



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 5 октябр соғинаба
Сотувда эркин нархда
№ 196 (2234)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ПРЕЗИДЕНТ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖўНАБ КЕТДИ

4 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимизнинг илк хорижий сафарларидан бири Жанубий Кореяга бўлган эди. Уша ташриф чоғида ўтказилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар қай даражада ижобий самара берганини бугун республикамизда кечаётган иқтисодий ўзгаришлардан, хусусан, автомобилсозлик, энгил саноат мажмуи, электроника, коммуникация ва бошқа кўплаб соҳалардаги юксалишлардан кўриш мумкин. Жанубий Корея билан йўлга қўйилган ҳамкорлик мамлакатимиз ташқи сийосатидаги энг самарали ишлардан бири бўлганини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис Жанубий Кореяга уюштирилган бу гап ташриф ҳам асосан, ушбу алоқаларимизни янада кенгайтириш, уни янги босқичга кўтаришига шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарининг журналистларга берган интервьюсида ҳам икки мамлакат ўртасида барқарор ривожланиб келаётган иқтисодий, сийосий ва маданий алоқаларга эътибор қаратилди.

Каримов. — Агар шу ўтган етти йилни олдидан бўлсак, мамлакатимизда қурилган завод, фабрика, хотто, халқ ҳўжалигимизда йўлга қўйилган баъзи бир янги тармоқлар ҳам Жанубий Корея билан ҳамкорлик натижасидир. Ўзбекистон ўзининг энгил автомобилларини чиқара бошладим. Бу заводни қисқа вақтда қуриб, ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олганимиз ҳам мана шу ҳамкорлик билан бевосита боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энгил автомобилларнинг обрўси нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам баланд.

Электроника, энгил саноат, телекоммуникация соҳаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Келгуси режаларимиз ҳақида тўхаладиган бўлсак, — деб сўзида давом этди Ислам Каримов, — автомобилсозлик, телекоммуникация, энгил саноатдан ташқари, яна бир қанча соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятимиз бор. Шунингдек, ҳозир бошланган лойиҳаларни охирига етказиб, яна янгиларига замин яратмоқчимиз. Мисол учун, телекоммуникация соҳасида тахминан 160 миллион АҚШ долларига тенг тўртта лойиҳа мавжуд. Асака автомобил заводидан янги русумдаги яна икки хил машина ишлаб чиқаришни бош-



МАШИНА ТЕРИМИ — ИШНИНГ УНУМИ



«Пахта-99»

Шу кунларда Музробот тумани пахтакорлари мулк хирмон яратиш учун сидқидан меҳнат қилмоқдалар. Улар мавжуд 15505 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,2 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 48360 тонна «оқ олтин» ҳосил топишишни режалаштирэнлар.

Айни пайтда туман далаларида машина терими ҳам қизғин паллада. Музроботлик пахтакорлар 4 та «Кейс» ва 7 та тўрт қаторли терим

машиналаридан унуми фойдаланишмоқда. СУРАТЛАРДА: илгор механизаторлар Жуманазар Хўжамқулов ва Ботир Жумаев; Музробот тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи (чапдан) Тўлқин Алимов туманда биринчилардан бўлиб режани бажарган фермерлар Абдусалом Ғаниев ва Мирзо Тулисевлар пахта даласида.

Искандар ХўЖАЕВ олган суратлар.

Республикамиз пахтакорлари ўзган «оқ олтин» хирмони 2 миллион тоннадан ошди. Ҳозир кунда миришкорларимиз учинчи миллион тонна ҳосилга эришиб келган анджонликлар маррага тобора яқинлашмоқда. Улар ҳозирдаёқ йиллик топишиқининг саксон фойдан кўпрогини бажариб қўйд.

УЧИНЧИ ДОВОНГА ҚАДАМ

Асакаликлар мамлакатимиз туманлари орасида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарибди. Қайб пунктларида 17 минг тонна пахта топирилди. Унинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Уртача ҳосилдорлик эса 30 центнерни ташқил этди. Ҳали далада ҳосил мўл, шу боис туман пахтакорлари ялпи ҳосилдорлиқни 40 центнерга етказишга астойдил бел боғланлар.

Президентимиз Ислам Каримов шу муносабат билан туман пахтакорлари, барча меҳнатқашларига табрик йўллаб, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, бу соҳага илгор технологияларни жорий этиш, саховатли деҳқонларимиз меҳнатини қадрлаш борасидаги ишлар ўзининг ижобий натижаларини бераётганини, асакаликларнинг бу галабаси ана шу изланишлар самараси эканлигини таъкидлади.

Жорий йилда қарий ярим миллион тонна пахтани машиналарда териб олиш режалаштирилган. Бу йилги мавсумга жам 1 минг 311 та терим машинаси жалб этилган. Шулардан 491 таси юқори унумли замонавий «Кейс» комбайнларидир. Улар зарур ёқилги-моллаш материаллари, эҳтиёт қисмлар билан таъминланиб, техникага сервис хизмати кўрсатиш бўйича кўчма бригадалар ташқил этилган.

ИСЛОМ КАРИМОВ — СЕУЛДА

4 ОКТАБР. СЕУЛ. *ЎзА мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.* Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикасига етиб келди. Корея Республикаси ҳарбий ҳаво

кучларининг Сеул аэропортида мамлакатимиз раҳбари ва унинг рафиқасини Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Хонг Сун Ёнг рафиқаси билан кутиб олди.

Обуна-2000

РОСТ СЎЗ ҚАДРИ

Шафотли Истиқдолимиз 8 ёшга тўлди. «Халқ сўзи» газетаси ҳам 8-ёшни бошидан кечирмоқда. Демак, айтиш мумкинки, «Халқ сўзи» том маънода Истиқдол нашри, Мустақиллик фарзанди! Инчунин, у шу йиллар мобайнида шаклланди, товланди, оёққа турди. Энг муҳими, ўз ўқувчисини топди.

260 марта «безовта» қилади, 260 марта суюнтиради. Чунки «Халқ сўзи» мамлакатимизда ҳафтада 5 марта чиқадиган ягона газетадир. Хурматли муштарийлар, Муҳтарам талбиркорлар, Жаноби ҳоқимлар! Сиз газетамизнинг мазмун-мундарижасини яхши биласиз. Шундай бўлса-да айтиб ўтиш жонс. Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ҳамда бошқа қатор норматив ҳужжатлар ва актлар, энг аввало, «Халқ сўзи»да нашр этилади. Сиз оҳори тўқилмаган, эндигина тандирдан

узилган хушхабарларини ҳам ушбу нашрдан «истеъмо» қиласиз. Маълумки, бутунги кунда ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан бормоқдамиз. Мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида қонун устуворлиги кўзга ташланмоқда. Буни Сиз иззатлардан келатган мактублар ҳам исботлаб турибди. Бироқ бу дегани тўрачилик, сувиестемолчиликлар бутунлай йўқолди, дегани эмас. Шу туфайли газетамиз қошида қалами ўткир журналистлардан иборат Адолат гуруҳи ишламоқда. Бирор сигнал тушгудек бўлса, бу гуруҳ ёнигиизга бир зумда етиб боради. Улар масалани чуқур, ҳуқуқий жиҳатдан пухта та-

лил қиладилар ва Сизнинг ҳимоянгизда бўлишди. Чунки газета Сиз қўллаб-қувватлаётган Президент ва давлат сийосатини очик-ойдин ва рўй-рост айтиб келмоқда ва айтгаварида ҳам! Зеро, рост сўзининг қадри баланд, қиммати улғу бўлади. Рост сўзини энгиб бўлмайди! Шу йил 25 сентябрда республикамизда 2000 йилда чиқадиган газета ва журналларга обуна бошланганлиги муносабати билан дейимизи, бу гап Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг нашри бўлган «Халқ сўзи» газетасига ҳам дахлдорлар. Маънавий ҳамроҳ танлашда адашманг! Нашримизнинг ишдекларини ёдда тутинг: «Халқ сўзи» — 229, «Народное слово» — 116.

АСАКА ТУМАНИ ПАХТАКОРЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТҚАШЛАРИГА!

Азиз дўстлар! Сизларни мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Асакалик захматқаш деҳқонлар, моҳир механизатор ва сувчилар, агар тармоқ мутахассисларининг фидокорона меҳнати билан баракали хирмон бунёд этилгани барчамизни қувонтирди. Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, бу соҳага илгор технологияларни жорий этиш, саховатли деҳқонларимиз меҳнатини қадрлаш борасидаги ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Сиз эришган бу галаба ҳам ана шу изланишлар самарасидир. Ишончим комилки, юртимиздаги сизлар каби лафзи ҳалол, миришкор деҳқонлар, ўз касбининг чинакам фидоилари бўлган азиз инсонларнинг ақлзаковати ва меҳнати билан иқтисодий салоҳиятимиз янада юксалиб, Ватанимиз обод, турмушимиз фаровон бўлиб бораверди. Инсон учун ўз меҳнатининг роҳатини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Барчангизга ана шундай бахту саодат ёр бўлсин. Хонадонларингиздан тинчлик-омонлик, файзу барака ариماسин. Яратганининг ўзи ҳамиша сизларга мададкор бўлсин!

Ислам КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ДУБАЙЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бирлашган Араб Амирияти Дубай ҳукуматиининг ер ва мулк вазири Шайх Муҳаммад Бин Халиф ва Мақтум бошчилигидаги делегация Тошкент Ислам университетига ташриф бурди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра ташқил қилинган мазкур илм даргоҳида айни пайтда юз нафар талаба ислом тарихи ва фалсафаси, фикр, иқтисод ва табиий фанлардан таълим олаётир. Ўзбекистон — Бош вазири Уринбосари, мазкур университет ректори Х. Кароматов меҳмонларга бу ерда етук мутахассислар тайёрлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Дубайлик меҳмонлар Юнусхон мақбарасини зиёрат қилишди. Университет ўқувчини ҳамда талабаларни билан учрашди.

ДИЛ ИЗХОРИ КўНГЛИМИЗ ТОҒДЕК КўТАРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 30 сентябр куни Фарғона водийси, хусусан, Қирғизистон билан чегарадош туманларга қилган сафари кўнлар катори менда ҳам катта таассурот қолдирди. Бизнинг қорхонамиз идораси шундоқ Ўзбекистон билан Қирғизистон чегарасидаги божхона пости ёнида жойлашган. Пайшанба кун оdatдигидан барвақт туриб, ўзгача кайфият, кўтаринчилик билан ишхонага йўл олдим. Божхона пости ҳар доимгидек гавжум. Вилоятимизнинг Сўх, Қирғизистоннинг Боткен, Қадамжой туманларига олиб борадиган йўллар шу ердан ўтади. Айниқса, бир гуруҳ экстремистик тўдаларнинг Боткен туманида пайдо бўлиши постдаги божхоначиларнинг масъулияти, ҳушёрлигини оширган. Тушга яқин постдагилар янада жонланиб қалишди. Биз бемалол ўз юмушларимиз билан кўймоланиб юрган эдик, кўхқисдан постга бир неча машина келиб тўхтади. Ўртадаги машинодан тушган Юртбошимиз Ислам ака Каримов божхона постига эмас, биз томонга юриб кела бошлади. Шу ерда турган ишчилар билан бирга у кишининг истиқболига пешвоз чиқдик. Аввал ҳаммамизни салобат босиб турган эди. Лекин у киши-

Сотволди АБДУРАҲИМОВ, Риштон туман электр тармоқлари қорхонаси бошлиғи.

(Давоми. Боши 2-бетда).

38-модда. Фуқароларнинг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашдаги иштироки
Фуқаролар чегара қўшинларига кўмаклашувчи отрядлар таркибда ва бошқа шаклларда чегара олди ҳудуди доирасида Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда ихтиёрий асосда иштирок этадилар.

Фуқароларнинг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

VI. Чегара қўшинлари ва Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинларининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашга оид ваколатлари

39-модда. Чегара қўшинларининг ҳуқуқлари
Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш чоғида чегара қўшинлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

белгиланган тартибда ўзларида берилган ер участкаларида зарур муҳандислик-техника иншоотлари қуриш, алоқа линиялари ва коммуникациялар қурилишини амалга ошириш, техника ва қурол-яроғларни жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш;
жойларнинг ҳар қандай участкаларида чегара нарядларини жойлаштириш ҳамда ҳаракат қилиш, транспорт воситаларини чегара нарядлари билан кузатиб бориш, транспорт воситаларини белгиланган тартибда қўдан кечириш;
қўшинга оид, разведка, контрразведка, тасқорқидирув фаолиятини ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа фаолиятни амалга ошириш;
Давлат чегараси режимини, чегара олди режимини ёки Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимини бузган шахсларни қонун ҳужжат-

ларида белгиланган тартибда маъмурий тартибда ушлаш;

маъмурий тартибда ушланган, шунингдек жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган шахсларни махсус жиҳозланган жойларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақлаш;

чегара қўшинлари бўлиналарида шахсларни тақлиф этиш ва уларга маълум бўлган Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиши ёки Давлат чегараси режимини, чегара олди режимини ёки Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимини бошқа тарзда бузиш ҳолатлари тўғрисида улардан тушунтиришлар олиш. Зарур ҳолларда юқорида кўрсатиб ўтилган қондабузарлик ҳолатлари тўғрисидаги тушунтиришлар бошқа жойларда ҳам олиниши мумкин;

Давлат чегараси орқали ўтаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқиш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатларини текшириш, уларга тегишли белгилар қўйиш, зарурат бўлганда бу ҳужжатларни белгиланган тартибда олиб қўйиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳақиқий ҳужжатлари бўлмаган шахсларни улар ҳужжатларини лозим даражада расмийлаштиришга ёки чет элда бўлган чоғида ҳужжатларини йўқотганлик ҳолатлари аниқлангунга ёки уларнинг шахси аниқлангунга қадар Давлат чегараси орқали ўтказмаслик;

манфаатдор органлар ва транспорт ташкилотлари билан ҳамкорликда Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида транспорт во-

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида

ситалари тўхташ (тўхтаб туриш) жойлари ва муддатларини белгилаш;

чегара олди қидирувлари ва операциялари ўтказиладиган вақтда одамларнинг соғлиги ва ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида жойларнинг айрим участкаларида шахслар ва транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ёки ман этиш, зарур ҳолларда фуқароларни бундай ерларга киритмаслик, улардан ўша жойда туришни ёки бу участкалардан чиқиб кетишни талаб қилиш;

Давлат чегараси учун таҳдид туғилган пайтда унинг айрим участкаларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, манфаатдор корхона, муассаса, ташкилотларни оғоҳлантирган ҳолда ҳар қил ишлар олиб боришни вақтинча чеклаб қўйиш, мудофаа аҳамиятига молик ишлар ёки табиий офат ёхуд ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш билан боғлиқ ишлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бостириб киришни даф этиш, чегара олди қидирувларини ўтказиш, ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб келиш чоғида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ва, алоҳида ҳолларда, фуқароларнинг алоқа, транспорт воситаларини фойдаланиб қилинган харажатлар ва етказилган зарарни эгаларига белгиланган тартибда қоплаш. Ушбу ҳуқуқ диплома-тик, консуллик, чет эл давлатларининг бошқа ваколатхоналарига ва халқаро ташкилотларга тегишли алоқа ва транспорт воситаларига таъбиқ этил-

майди.

Чегара қўшинлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

40-модда. Чегара қўшинларининг мажбуриятлари
Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш чоғида чегара қўшинлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат чегараси чизигининг жойларда ҳуқуққа хилоф тарзда ўзгартирилишига йўл қўймасликка;
Давлат чегарасида ҳарбий ва бошқа фитналарнинг олдини олишга;
Давлат чегарасини ноқонуний равишда кесиб ўтилишига йўл қўймасликка;

Давлат чегараси режимига, чегара олди режимига ва Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишга;
шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларнинг Давлат чегараси орқали белгиланган тартибда ўтказилиши амалга оширишга;

Давлат чегараси орқали олиб ўтиладиган контрабанда нарсаларини ҳамда бошқа ноқонуний равишда олиб ўтиладиган товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни, шунингдек транспорт воситаларини аниқлаш ва белгиланган тартибда ушлаб қоллишга;

Давлат чегараси режимини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга.
Чегара қўшинлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

41-модда. Ҳаво ҳужуми-

га қарши мудофаа қўшинларининг ҳаво бўшлиғида Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш бўйича ҳуқуқлари

Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари ҳаво бўшлиғида Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш пайтида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш таҳдиди пайдо бўлган ёки ноқонуний кесиб ўтилган пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳаво бўшлиғидаги ҳаво кемалари ва бошқа учиб аппаратларни аниқлаш учун ўзларида мавжуд воситалардан фойдаланиш;

вазирнинг аниқлаш ҳамда ҳаво бўшлиғида Давлат чегараси ноқонуний кесиб ўтилишининг олдини олиш ёки бартараф этиш чорасини қўриш учун Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қучлари бошқа турлари, давлат органлари қучлари ва воситаларини белгиланган тартибда жалб этиш;

Давлат чегарасини ҳаво бўшлиғида ноқонуний кесиб ўтиш таҳдиди пайдо бўлган ёки ноқонуний кесиб ўтилганда ёхуд парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳаво бўшлиғининг айрим районларида ҳаво кемалари ва бошқа учиб аппаратлари парвозини ман этиш ёки чеклаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳаво бўшлиғида Давлат чегараси ноқонуний кесиб ўтилиши ҳолатларини аниқлашда иштирок этиш.

42-модда. Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинларининг ҳаво бўшлиғида Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш бўйича мажбуриятлари

Ҳаво ҳужумига қарши му-

дофаа қўшинлари Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш пайтида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳаво кемалари ва бошқа учиб аппаратлари Давлат чегарасини кесиб ўтиш қондаларига риоя этиши устидан назорат қилишга;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтган ёки ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш тартибини бузган ҳаво кемалари ва бошқа учиб аппаратларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида парвозини белгиланган тартибда тўхтатишга;

форс-мажор вазияти ҳолатида ҳаво кемалари ва бошқа учиб аппаратларига ёрдам кўрсатишга.

43-модда. Қурол ва ҳарбий техникани қўллаш

Чегара қўшинлари, Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш пайтида қуйидаги мақсадларда қурол ва ҳарбий техникани қўлайдилар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуролли бостириб

киришни даф этиш;

Давлат чегарасидаги ҳарбий фитналарнинг олдини олиш;

транспорт воситаларини йўловчиларсиз чет элга олиб қочишга уриниш ҳолатларининг олдини олиш.

Қурол ва ҳарбий техника Давлат чегарасини бузувчилар куч ишлатган ҳолларда уларга қарши жавоб сифатида ёки қондабузарликнинг олдини олиш ёхуд қондабузарларни бошқа воситалар билан ушлашнинг иложи бўлмаган ҳолларда ҳам қўлланилади.

Зарур ҳолларда Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қуроли Қучлари бошқа қўшинларининг қурол ва ҳарбий техникани қўлланиши мумкин.

Қурол ва ҳарбий техникани қўллаш тартиби қонун

ҳужжатлари билан белги-ланади.

44-модда. Махсус воситаларни қўллаш
Давлат чегарасида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларни бартараф этиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус воситалар қўлланилишига йўл қўйилади.

VII. Яқинловчи қондалар

45-модда. Давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик
Давлат чегараси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

46-модда. Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда иштирок этувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш
Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда иштирок этаётган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда иштирок этаётган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда иштирок этаётган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 20 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини 2000 йилнинг 1 январидан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Ўзбекистон Республикасининг қонуларини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги тақлифларни тақдим этсин; ҳуқумат қарорларини «Ўзбекистон Рес-

публикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш;
вазирликлар ва идоралар ўзларининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига эид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 20 август.

Ўзбекистон Президентини КИТОБИ КОРЕЙС ТИЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг Корей Республикасига давлат ташрифи арафасида Сеулда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг корейс тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бугасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Пойтахтнинг «Плаза» меҳмонхонасида ўтган тантанали тақдимот маросимида Корей Республикаси ҳуқумати ва Миллий Ассамблеяси аъзолари, таниқли ишбилармон ва молчиликлар, дипломатик корпус вакиллари, қатор олий ўқув юртлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, журналистлар қатнашдилар.

Корей Республикаси Миллий Ассамблеясининг Халқаро масалалар ва савдо қўмитаси раиси Ю. Хынг Су сўз олдир. Президент Исом Каримовнинг китоби машҳур сиёсат ва давлат арбобининг асосий йўналишлари, ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган бозор иқтисодиёти, давлат ва демократик тамойилларга асосланган жамоат қуриш ҳамда уни ривожлантириш ишдаги қийинчиликларини енгиб ўтишининг мумкин бўлган йўллари ҳуусидаги ўй-фикрлари маҳсули эканини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазир Элёр Ғаниев ўз маърузасида Ўзбекистон раҳбари китобининг корей тилида нашр этилиши Корей Республикаси жамоатчилигининг мамлакатимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларга, иқтисодий таракқиётнинг ўзбек моделига қизиқиши усеиб бораётганидан далолат беришини қайд этди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Корей ишбилармон доиралари вакиллари Ўзбекистон Президентини Исом Каримовнинг икки томонла-

ма ҳамкорлигини ривожлантиришдаги салмоқли ҳиссаси ва шахсий қизиқишини таъкидлаб ўтдилар. Сунти етти йил мобайнида Ўзбекистон раҳбари Корей Республикасига учинчи бор расмий ташриф буюраётгани бунга далил бўла олади.

Маълумки, корейлик талбиркорлар биринчилардан бўлиб суверен Ўзбекистон билан шериклик алоқаларини ўрнатдилар. Айни пайтда эса автомобиль ишлаб чиқариш, радиоэлектрон ускуналар тайёрлаш, телекоммуникация тизимини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва феолиятнинг бошқа соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон иқтисодида хорижий давлатлар томонидан киритилган сармоялар ҳажми бўйича Корей Республикаси етакчи ўринни эгаллайди.

Шунингдек, Сеулда икки юздан ортиқ фирма ва компания вакиллари иштирокида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Корей қўмитасининг учинчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Маълумки, ушбу манфаатли иқтисодий ҳамкорлик натижаларидан қониқиб ҳосил қилинган ишбилдириш ва Ўзбекистон иқтисодидаги Корей сармояларининг киритилишида мунтазам ўсиш тенденцияси мавжудлиги айтиб ўтилди. Ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг 4-6 октябрь кунлари давом этаётган Корей Республикасига ташрифи Ўзбекистон-Корей икки томонлама ҳамкорлигини янада юқори даражага кўтаришга имкон беришига ишонч билдирдилар.

Баҳодир МАМАЖОНОВ, «Жаҳон» АА махсус мухбири, Соул-Тошкент.

Сайловлар олдидан

Биз Амурдэ туманига қарашли «Оқ олтин» қишлоғидаги 50-ўрта мактабга яқинлашганимизда, таълим даргоҳида катта таралдуд нишонларини кўрдик. Мактаб пештоқида 213-сайлов участкаси жойлашганлиги тўғрисидаги ёзув илинган. Сайловчилар хонасида Олий Мажлис, Жўқорги Кенгес ва туман кенгашига сайловлар билан боғлиқ қонунлар, китоблар, қўлланма ва оммавий нашрлар кўйилган. Тарғиботчилар фақат сайлов участкасида эмас, даладарда ҳам бўлиб ташкилий-тарғибот ишлари билан банд эканлар. Сайлов участкасига ташриф буюрган фуқароларнинг бирини сўзбатди тортидик.

— Жумабой Ўтабоевман, — деди у. — Кўп йиллардан бўён шу ҳўжаликда богбон бўлиб ишлайман. Жамоамизда бир неча ажойиб боглар яратдик. Ана шу боглар учун кўчат излаб собиқ шўролар мамлакатини кезиб чиққанам, десам нишонларинг. Хизмат сафарлари баҳона бир

қанча дўстлар ҳам орттирдим. Яқинда улардан бири меҳмон бўлиб келди. Очигини айтсам, аввалги қувноқ чехрасидан асар ҳам йўқ. Касалманд бўлиб

тамоийларини мустаҳкамлашда бўлишди Давлат аҳамиятга эга. Худо хоҳласа, ҳаммамни сайловларда фаол қатнашамиз. Олдий дехқоннинг

ШУҚРОНАЛИК

қолган экан. Ногиронлик нафақасини бир ярим йилдан бўён ололмаётиман, деди. Бир пайтлар элиб бош мол-ҳўли бор эди. Ховлисида парранда ҳам қолмапти. Узи яшайдиган жойдаги завод ишчилари темир йўл релселарига ётиб, «пикет» қилганларини айтиб берганида этим жунжиқиб кетди. Бояқш биздаги осойишталикни, маъмуриликни чин юракдан мактаб кетди. Чўқурроқ ўйлаб кўрган одам, шахсан мен учун бўлажак сайловлар ҳам ўзига хос байрам. Чўнки мамлакатимизнинг янада оқил, янада бўркам ва қудратли бўлишида, жамиятимизнинг демократик

гапларини қаранг. Бу бежиз эмас. Чўнки теварак-атрофда юз бераётган турли жараёнлар нафақат академикни, ҳатто чўпон-чўлиқни ҳам ҳўшёр, оғоҳ бўлишга ундамоқда.

7-ўрта мактаб биносида жойлашган 214-сайлов участкаси ҳам байрамога безатилган. Сайлов мавсумига тайёргарлик авжида.

— Бўлажак сайловларда туманимиз бўйича 72800 нафар сайловчи қатнашади, — дейди туман сайлов комиссияси раиси Мақсуд Ережбоев. — Улар 50 та сайлов участкасида овоз берадилар. Туманимиздан бир нафар Олий Мажлис, 8 нафар Жўқорги Кенгес, 25 нафар туман Кенгаши

депутатлари сайланади. Шунингдек, 8 та участка-ми сайловчилари 239-Тахياتош округидан сайланадиган Олий Мажлис депутати учун ҳам овоз берадилар. Сайловларга тайёргарлик барча жаҳдаларда амалга ошираётган ишларимизни яна бир марта таҳлил қилиш, ислохотларни янада чўқурлаштириш, маънавият-маърифатни янги имконият яратди. Сайловчиларнинг туманимизда, Қорақалпоғистон республикаси, мустақил мамлакатимиз миқёсида кўтаринкилик билан ўтишига ишончимиз комил!

Бугун Қорақалпоғистон Республикасининг деярли барча сайлов округи ва участкаларида ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Улар бўлажак сайловларга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Ана шуларни кўриб, ҳис қилиб шу кунларга етказганида шўқр, дегинг келади.

Ҳўжжатлар 15 октябргача қабул қилинади. Манзил: 700000, Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 31. Аспирантура бўлими, тел. 133-52-74.

Янгибой КўЧҚОРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД КўРСАТИЛДИ

Бу гаги сайловлар аввалгиларига нисбатан кўтариш мумкинлиги бугун ҳаммага аён. Наманган шаҳридаги «Даштбў» маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ана шу ҳуқуқдан фойдаландилар. Уларнинг ташаббускор гуруҳи 92-Сардоба сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига Ўзбекистон халқ шoirи Ҳабиб Саъдулла номзодини кўрсатдилар. Бунинг бонси бор. Истеъдодли калам созиби, ўнлаб шеърли китоблари, саҳна асарлари, жўқшун публицистикаси, хусусан, феврал воқеалари-

ни бадий талқин этган «Жароҳат» дostonи билан мухлислар қалбидан ўрин олган ижодкорга халқнинг меҳри ўзгача.

Ташаббускор гуруҳ йиғилишида сўз олган Фотима Султонова, Олимжон Ҳасанов, Рашидхон Раҳимов сингари сайловчилар номзод ҳақидаги фикрларини билдириб, кўпчиликни уни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

— Мен умрим бўён халқим бахти, унинг рўшони-гини, ҳўралиги ва озодалигини тараннум этганман, —

деди Ҳабиб Саъдулла. — Мен учун шундай кунлар nasib этганини кўришдан юксакроқ содадт бўлмаган. Ана шу орузларга етказган истиснода, унинг бунёдкори бўлган халқимга таъзимдаман. Олий Мажлис депутаталигига номзодим масаласига келсак, аабатта, муқобил номзодлар ҳам бўлиши табиий. Улардан энг муносибни танлаб олиш эса сайловчиларга ҳавола.

Зийвуддин МАНСУРОВ.

М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
1999 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантура ва ассистент-стажёрликка қабул эълон қилади:
АСПИРАНТУРАГА:
17.00.02-Музыка санъати (кундузги-2 ўрин, сиртки-1 ўрин).
АССИСТЕНТ-СТАЖЁРЛИККА (кундузги-6 ўрин):
Бастакорлик, фортепиано, торли чолғулар, хор дирижёрлиги, анъанавий ижрочилик, дамли чолғулар.

«Платинум компани»
ALUMINIY
ВИТРАЖЛАР, РОМЛАР, ЭШИКЛАР, ТИК ДАРПАРДАЛАР
Манзил: Ш. Бурҳонов к., 22. (Мўлжал - Буюк Ипак йўли)
Тел.: 180-82-72, 65-82-62.
тайёрлайди ва сотади.

Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига

АДОЛАТ КУЙЧИСИ

Хар қандай жамият адолатлиги билан кучли. Лекин у қандай ўрнатилган? Бу саволга Шарк мутафаккирлари турлича жавоб берганлар. Улкан шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий адолатнинг амалга оширилишини асосан «Лутфи илоҳий», «Амри ҳақ», «Худонинг қароми» орқали тасаввур қилса-да, уни қарор топтиришда кишиларнинг ирода кудрати ва эркинлигига ишонди. Унинг адолатни давлат тузуми ўрнатиш, мақола ва асарларидан маърифатпарвар соҳибон тарафлари си-фатида фаол намоён қилди.

Ҳар қандай жамият адолатлиги билан кучли. Лекин у қандай ўрнатилган? Бу саволга Шарк мутафаккирлари турлича жавоб берганлар. Улкан шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий адолатнинг амалга оширилишини асосан «Лутфи илоҳий», «Амри ҳақ», «Худонинг қароми» орқали тасаввур қилса-да, уни қарор топтиришда кишиларнинг ирода кудрати ва эркинлигига ишонди. Унинг адолатни давлат тузуми ўрнатиш, мақола ва асарларидан маърифатпарвар соҳибон тарафлари си-фатида фаол намоён қилди.

Ҳар қандай жамият адолатлиги билан кучли. Лекин у қандай ўрнатилган? Бу саволга Шарк мутафаккирлари турлича жавоб берганлар. Улкан шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий адолатнинг амалга оширилишини асосан «Лутфи илоҳий», «Амри ҳақ», «Худонинг қароми» орқали тасаввур қилса-да, уни қарор топтиришда кишиларнинг ирода кудрати ва эркинлигига ишонди. Унинг адолатни давлат тузуми ўрнатиш, мақола ва асарларидан маърифатпарвар соҳибон тарафлари си-фатида фаол намоён қилди.

Ҳар қандай жамият адолатлиги билан кучли. Лекин у қандай ўрнатилган? Бу саволга Шарк мутафаккирлари турлича жавоб берганлар. Улкан шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий адолатнинг амалга оширилишини асосан «Лутфи илоҳий», «Амри ҳақ», «Худонинг қароми» орқали тасаввур қилса-да, уни қарор топтиришда кишиларнинг ирода кудрати ва эркинлигига ишонди. Унинг адолатни давлат тузуми ўрнатиш, мақола ва асарларидан маърифатпарвар соҳибон тарафлари си-фатида фаол намоён қилди.

Кўрмайин десанг ики олам аро афтаолиғ, Бўл қўлиғдан келгунч афтаолағарга дастгир. Умуман олганда, Огаҳийнинг барча асарларида инсонга муҳаббат, унинг тақдири, эрки, қадр-қиймати куйланади, ҳаётга муносабат барқ уриб туради. Улар ўз тақдири учун курашга, иллатларга қаршилик қилишга асосий мақсад билан, бу йўлда қанча азийт бўлса, тортишга тайёр туради.

Ҳар қандай жамият адолатлиги билан кучли. Лекин у қандай ўрнатилган? Бу саволга Шарк мутафаккирлари турлича жавоб берганлар. Улкан шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий адолатнинг амалга оширилишини асосан «Лутфи илоҳий», «Амри ҳақ», «Худонинг қароми» орқали тасаввур қилса-да, уни қарор топтиришда кишиларнинг ирода кудрати ва эркинлигига ишонди. Унинг адолатни давлат тузуми ўрнатиш, мақола ва асарларидан маърифатпарвар соҳибон тарафлари си-фатида фаол намоён қилди.

Мадраҳим САФАРБОВ, фалсафа фанлари номзоди.

Футбол: Олий лига ЧЕМПИОНЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ



Утган шанба куни футбол бўйича мамлакат саккинчи миллий чемпионати олий лига жамоалари навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди. Яна беш турдан кейин эса саккинчи мавсумнинг олтин, кумуш ва бронза медаллари совриндорлари аниқланди. Бу йилги мавсумда, аввалгилардан фарқи ўлароқ, ана шу ўринларга 5-6 та жамоа даъвогарлик қилаётди. Наманганнинг «Навбахор» чарм тўп усталари шулардан бири.

белгиланган жарима тўпини Леонид Кошелев қойилмақом тарзда ижро қилди — 1:0. Учрашув давомида ҳар икки жамоа томонидан яна бир қанча кескин ҳужумлар уюштирилди, хавфли вазиятлар юзага келди. Лекин уйнинг беш ҳақами Рашид Айтқовга учрашувни майдон марказидан бошлаш кўрсатиш бошқа nasib этмади. Қизғин шундаки, бу «Пахтакор»нинг навбатдаги мағлубияти бўлса, «Навбахор» учун охириги тўрт дурандан кейин дастлабки галабадир.

Ҳар мавсумда чемпионлик учун асосий даъвогарлардан ҳисобланган «Нефчи» бу йил ҳам ана шу анъанани давом эттиряпти. Турнир жадвалида қаровончилик қилаётган «Дустлик»ни қувиб етишга интилаётган фарғоналиклар яна 3 очкони ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди. Бу гал улар «Хоразм» дарвозасига 3 та жавобсиз тўп йўлладилар. Ўз навбатида пешқадам «Дустлик» чарм тўп усталари ҳам «Зарафшон»ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, олтин медал сари яна бир дадил қадам ташладилар.

Ушбу турнир қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор»-«Насаф» — 2:2, «Сурхон»-«Андижон» — 4:4, «Самарқанд»-«Бухоро» — 2:0, «Янгир»-«Сўғдиёна» — 0:0, «Темирўлчи»-«Металлург» — 5:1. Лигани навбатдаги тур беллашувлари 9 октябрь куни ўтказилди. Бугун эса олдин кечиктирилган «Пахтакор» — «Насаф» учрашуви бўлиб ўтди. Турнир жадвалида ҳамон пойтахт вилоятининг «Дустлик» (57 очко) жамоаси яқка пешқадам бўлиб турибди. Кейинги погоналарни «Нефчи», «Самарқанд», «Навбахор» ва «Хоразм» футболчилари банд этишган.

О. РАЖАБОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.



ЯНГИ ШИФОКОРЛИК МАРКАЗИ

Баҳористон туманидаги Сулаймон Муродов номи жамоа ширкат хўжалиги марказий кўрғонда аҳоли учун яна бир қўлайлик яратилди. Яқинда бу ерда барча имкониятларга эга бўлган замонавий қишлоқ врачлик амбулаторияси қуриб ишга туширилди. Мазкур шифокорлик марказида «Тез ёрдам» бўлими, физиотерапия, дориҳона, гине-

кология, кундузги стационар, лаборатория бўлимлари мавжуд. Шунингдек, у барча тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бундан ташқари маҳаллий аҳоли шифо маскани учун базис керакли жиҳозларни совға қилди. СУРАТДА: янги шифо масканининг умумий кўрinishи. Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

«АЛПОМИШНОМА»НИНГ БИРИНЧИ КИТОБИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» дostonи юбилейини ўтказиш тўғрисидаги қарори чиқарилиши билан «Алпомиш» номли китоблар нашр этишга киришилди. «Мехнат» нашриёти беш китобдан иборат «Алпомишнома» чоп этишни режалаштирди.

Шу кунларда туркумнинг биринчи китоби ўқувчилар қўлига теги. Таниқли фольклоршунос олимлар Малик Муродов ва Абдулолим Эргашев муаллифлик қилган ушбу тўпламда «Алпомиш» дostonининг Сурхондарё талқини ҳақида фикр юритилди. Китобга Қора баҳши, Абдуназар Баҳши Поён ўли, Қаҳҳор баҳши Қодир ўли, Чори баҳши Умир ўли каби машҳур ижодкорлар жўшиб қуйилган ва «Алпомиш» туркумига кирувчи «Алпомиш», «Бева Барчин ёхуд Барчин бека», «Едгорнинг туғилиши», «Едгорнинг уйланиши», «Шомурод» дostonлари киритилган. Тўпламда асар ижрочилари тўғрисида ҳам кенг маълумот берилган.


«Алпомиш» дostonи барча туркий халқларнинг шoҳ асарларидан ҳисобланади, — дейди «Мехнат» нашриёти директори А. Мирзев. — Дostonнинг кўпгина тўғри халқ миқёсида нишонланиши ҳам фикримиз далилидир. Ҳозир

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

М. САФАРОВ.

ГҶЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Пойтахтимиз Тошкентда бугун аёллар йилига бағишланган «Ўзбекистон маликаси-99» номи биринчи, ҳа, биринчи миллий гўзаллик танлови бошланади. Газетчилар: «Нега биринчи? Бундай танлов аввал ҳам ўтказилган эди-ку?» деб таажуб билдиришлари мумкин. Шу боис, масалага аниқлик киритишга тўғри келади. Мазкур танлов чиндан ҳам аввалги танловларга ўхшамайди. Унинг бош мақсади — энг замонавий ўзбек аёли тимсолини жамиятга намоён этишдир. Шунинг айтиш керакки, вилоятларда танловнинг биринчи, сараловчи бос-



қичи ўтказилди. 4-16 октябрь кунларида унинг якуловчи босқичи бўлиб ўтди ва у бевосита танлов қатнашчилари ўзбек ва хорижий эстрада юлдузлари ҳамда модель бизнесининг вакиллари иштирокида Янрик томоша концерти билан якунланади. Бу томоша-концерт «Туркистон» концерт залда бўлади. «Ўзбекистон маликаси-99» талбирини ўтказишга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси моддий-молиявий кўмаклашмоқда, бош ҳомий эса «Тамга» савдо марказидир.

М. САФАРОВ.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш Давлат комиссиясининг 1999 йил 24 сентябрь 7-сон баёнига бinoан университетнинг кундузги ва сиртки бўлимларига хўжжат топшириб тест синовларида қуйидаги кўрсаткичларга эришган абитуриентларни нулли-шартнома асосида белгиланган ўринлар квотаси доирасида қабулга тавсия этишга рухсат берилганини маълум қилади:

№	ИХТИСОСЛИК	КУНДУЗГИ		СИРТКИ	
		балдан	баллгача	балдан	баллгача
1	Математика (Ўзб)	96,10	68,10	144,70	97,40
2	Математика (рус)	111,30	68,10	129,90	99,80
3	Физика (Ўзб)	84,90	68,10	121,60	100,30
4	Физика (рус)	94,30	68,10	-	-
5	Кимё (Ўзб)	144,80	97,60	154,00	73,10
6	Кимё (рус)	85,40	68,10	-	-
7	Биология (Ўзб)	134,30	107,80	149,60	84,10
8	Биология (рус)	116,60	77,40	-	-
9	География (Ўзб)	109,60	80,70	137,20	98,60
10	География (рус)	104,70	79,30	-	-
11	Ўзбек тили ва адабиёти	123,90	99,40	160,00	91,10
12	Рус мактабларида ўзбек тили	126,30	83,60	-	-
13	Рус тили ва адабиёти	138,60	110,20	190,10	68,10
14	Ўзбек мактабларида рус тили	116,00	95,40	-	-
15	Тарих (Ўзб)	135,30	116,00	178,40	161,50
16	Тарих (рус)	162,70	134,70	188,60	175,10
17	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (Ўзб)	105,70	81,00	138,50	85,00
18	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (рус)	127,90	102,10	130,00	102,00
19	Педагогика ва психология (Ўзб)	102,80	82,80	142,30	101,30
20	Педагогика ва психология (рус)	133,80	106,00	148,10	97,30
21	Инглиз тили (Ўзб)	135,20	94,60	-	-
22	Инглиз тили (рус)	181,40	163,90	-	-
23	Музыка (Ўзб)	118,30	68,10	142,50	99,70
24	Чакрирқачча ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия (Ўзб)	119,00	98,60	-	-
25	Чакрирқачча ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия (рус)	133,40	100,70	-	-
26	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат (Ўзб)	115,50	68,10	120,70	102,80
27	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат (рус)	108,70	68,10	-	-
28	Қозоқ тили ва адабиёти (қоз)	94,20	74,70	-	-
29	Қасбий педагогик тайёргарлик (техника йўналиши)(Ўзб)	74,40	68,10	129,10	107,40
30	Қасбий педагогик тайёргарлик (техника йўналиши)(рус)	73,10	68,10	106,00	96,10
31	Кореё тили	124,00	100,70	-	-

Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлган ТДПУ абитуриентлари ректор номига ёзма ариза билан 10 октябргача шахсан мурожаат этишларини сўраймиз. Маълумотлар учун телефон: 55-70-27 Университет қабул комиссияси.

РЕКТОРАТ.

«ЖАЛҚ СҶЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масълул котиб — «Жалқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масълул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҶИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҶОДИЙ,
И. ХУДОЕВ,
И. ШОҶУЛОМОВ,
О. ҚАЙИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
У. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сoғий хайт — 133-57-34;
Хўқуқ — 136-07-94;
Иқтисодийёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро хайт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълолар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0820, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерларда термид ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҶАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Ф. ШЕРМУҲАММАД.
Мусаҳҳияч — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-масбаҳона концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилади — 23.00
1 2 3 4 5 6

МЕБЕЛЬ САЛОНИ

Италия, Голландия ва Дания четаларининг энг яхши офис мебель тўплами

А. А. ОСИЙОВ

Илгор фикрлар қулай ўриндикда ўтириганингизда келадиган

Тошкент, Матбуотчилар кўч., 32. Тел.: (371) 133-80-40 133-89-27

«БРОКАУДИТ» Аудиторлик фирмаси
Адвокатлик бюроси «BIZNES-ADVOKAT»

Хўжалик судида иш юритиш
Корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш
Корхоналарни рўйхатга олиш, қўйта рўйхатга олиш, корхоналарни қўйта ташкил этиш, таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш.

Барча турдаги бухгалтерлик ва аудит хизматларини тақлиф этади.
Бизнес режаларини тайёрлайди.

Тел.: (371) 77-66-36, 77-45-79, пейдж. (088) 3870 (дам олиш кўлиси)
Маънавият Тошкент банк биноси, Трастбанкнинг АБЕ филиали.

Ўзбекистон Республикаси Давлат саноат ишлари хавфсизлиги ва тоғ-кон назорати қўмитаси жамоаси нефть ва газ саноати назорати бўйича республика инспекциясининг бошлиги Иномжон УРИНОВНИНГ Исломжон УРИНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изор қилади.

«Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг Муҳиддин Қориқўбон номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси шу жамоанинг собиқ ҳодими, бадиий сўз устаси Муҳсин ҲАМИДОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изор қилади.

Имом ал-Бухорий халқаро жағнамаси жамоаси жағмарга бошқаруви раиси Зоҳидилло Мунавваровга волидид муҳтарамаси Ҳосинтоя ял ТУРСУНОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.